ГЕОИҚТИСОДИЁТ МАСАЛАСИГА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЁНДОШУВ

Исломжон Абдуллаевич Убайдуллаев
Наманган муҳандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
ubaydullaev-76@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда долзарб бўлиб турган геоиқтисодиётни янада ривожлантириш ва бу борада геоиқтисодий тафаккурни шакллантириш масаласига ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ёндошувга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бу масала нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммо сифатида ҳам талқин ва таҳлил этилади. Шунинг баробарида бугунги глобаллашув жараёнларида ҳар бир жамиятда бир муаммога турли соҳалар нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда масалага ечим топиш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, геоиқтисодиёт, геоиқтисодий тафаккур, геоиқтисодий макон, геоиқтисодий атрибут.

SOCIO-PHILOSOPHICAL APPROACH TO GEO-ECONOMIC ISSUES

Islomjon Abdullaevich Ubaydullaev
Namangan Institute of Engineering and Technology
Senior Teacher of the Department of Social Sciences, PhD
ubaydullaev-76@mail.ru

ABSTRACT

The article pays special attention to the socio-philosophical approach to the further development of geoeconomics and the formation of geoeconomic thinking in this regard. Because this issue is interpreted and analyzed not only as an economic but also as a social problem. At the same time, in today's globalization process, finding a solution to the problem in each society from the point of view of different areas is on the agenda as an urgent task.

Keywords: globalization, geo-economics, geo-economic thinking, geo-economic space, geo-economic attribute.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ўз навбатида, жаҳонда асрлар мобайнида шаклланган иқтисодий макондан жой излаб топишни, қандай шарт-шароитда, кимлар билан иқтисодиётни интеграциялаш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун қандай илғор ноанъанавий технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқарилган товарларни жаҳон бозорида кимларга, қандай нархларда сотиш, жаҳон бозорида янгидан шаклланаётган мулкдорлар синфининг бевосита иштирок этишларини таъминлаш, жаҳонда юз бераётган иқтисодий ўзгаришларнинг мантиғини тезликда англаб етиш учун геоиқтисодиёт тамойилларидан хабардор бўлиш ва уларни амалда қўллай билишни ташкил этиш каби муаммолар ечимини илмий ва амалий жиҳатдан ҳал этиш масаласини кун тартибига қўйди.

Глобаллашув жараёнлари натижасида мулкдорлар синфи ўзлари мансуб бўлган давлатларнинг ички ва ташқи фаолият юритиш чегараларидан чиқиб замон ўлчовлари асосида халқаро байналминал иқтисодий уюшма тузиш ва иттифоқларга бирлашиш асосида янги геоиқтисодий маконларни барпо этмоқдалар.

Глобаллашув даврида кучли давлатлар ҳаётида сиёсатни иқтисодийлаштириш орқали ўз мақсадларига эришиш учун сиёсий масалаларни иқтисодий методлар орқали ечишга уринмоқдалар, иқтисодий ҳокимият эса жаҳонда ўз ўйинларини юргизишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракатни геосиёсат ва геомафкура оқламоқда, ҳарбийлар эса уларни ҳимоя қилмоқда. Ташқи сиёсат бобида эса геоиқтисодий манфаатлар геосиёсий ва бошқа геостратегик манфаатлардан устун қўйилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Геоиқтисодиёт масаласини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилишда муқаддас манбалардан «Авесто» ҳамда Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ Ас Саҳиҳ», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси»), Термизий Хожа Самандарнинг «Дастур ул-мулук» («Подшохларга қўлланма») каби нодир асарлари тарихий манба ва фалсафий асос бўлиб хизмат қилди.

Глобаллашув жараёнларининг шиддат билан кечиши туфайли янги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга кириб келган геоиқтисодиёт феномени, унинг келиб чиқиш сабаблари, атрибутлари, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш борасида

МДҲ давлатларидаги Э.Г.Кочетов, А.В.Филиппенко, В.А.Дергачёв ва бошқа иқтисодчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Хорижлик файласуф ва иқтисодчи олимлардан Jonathon Cini, Sanjaya Baru, Klaus Solberg Soilen, Jennifer Harris, Чэнь Циминь ва бошқалар томонидан геосиёсат ва геоиқтисодиёт ўртасидаги боғланишлар, геоиқтисодиётнинг элементлари, тушунчалари, географик жойлашув бўйича истиқболлари ўрганилган[1] (http://bookboon.com/en/geoeconomics-ebook. Solberg Søilen, Klaus (2012). Geoeconomics. Bookboon, London.).

МУҲОКАМА

Жаҳонда янги геоиқтисодий маконларнинг вужудга келиши халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи анъанавий халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳасида ҳам туб сифатий ўзгаришлар қилишни, яъни чегара билмас мулкдорларнинг геоиқтисодий макондаги иқтисодий муносабатларини тезликда тартибга солувчи янги замонавий ҳуқуқ тизимини яратишни ҳам тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиздаги мулкдорлар синфининг геоиқтисодий тафаккурини шакллантиришда уларнинг ҳуқуқий билим даражаларини янада ўстириш ишларини йўлга қўйишни талаб қилмоқда.

Геоиқтисодий макон – бу фақат мулкдорлар синфининг иқтисодий манфаатлари кесишадиган чорраҳа эмас, балки ундан манфаатдор бўлганларнинг маънавий-маданий дунёси ҳам бир-бирига тўқнаш келадиган жой сифатида ўзлигини намоён этмоқда. Шунинг учун ҳам ундан кимлардир турган – битгани зарарли бўлган “оммавий маданият” ни тарғиб қилиш воситаси сифатида фойдаланиб, уни мафкуравий кураш полигонига айлантиришга уринмоқда.

Юқорида баён қилинган фикрлардан ҳам кўриниб турибдики бу муаммоларнинг ечими “геоиқтисодиёт” ва “геоиқтисодий тафаккур” тушунчаси ичида яширингандир.

“Геоиқтисодиёт” тушунчасини биринчилар қаторида қўллаган киши ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШнинг давлат департаменти ва миллий хавфсизлик Кенгашида маслаҳатчи бўлиб ишлаган Эдвард Люттвак ҳисобланади. У ўзининг мазкур ташкилот учун тайёрлаган ахборот ва ёзган китобларида “Америка орзуси хавф остида: иқтисодий устунлик учун бўлаётган геоиқтисодий беллашувда АҚШнинг ғолиб келиш ва учинчи давлатлар қаторига тушиб қолмаслиги учун нима қилмоқ керак?”, - деган масалаларга тўхталиб: “Геоиқтисодиёт - бу халқаро рақобатда давлатлараро бўладиган рақобатдир, яъни унда давлат “ўзининг” компания ва бошқа хўжалик бирлашмалари учун

жаҳондаги “ўзга” компанияларга нисбатан максимал устунликни таъминлашидир”[2](Жан К., Савона П. Геоэкономика (господство экономического пространства).пер.с ит.- М.: Издательство БЕК, 1997.-8с.) ,-деган бўлса, бошқа муаллифлар: “XX асрнинг охирларида геоиқтисодиёт геосиёсатнинг янги бир оқими сифатида пайдо бўлди. Геоиқтисодиёт – бу homo economicus ва макон омилларининг товарларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасига таъсир этиши, иқтисодий фаолиятни янада кенгайтириш учун иқтисодий маконлардан фойдаланишдир”[3] (Геополитика и геоэкономика. www. geopolitical.ru), - деб таърифлайдилар. Россиялик иқтисодчи олим Э.Г.Кочетов: “Геоиқтисодиёт - бу жаҳонда даромадини шакллантириш ва уни қайта тақсимлашга эришиш мақсадида миллатнинг геоиқтисодий маконда миллий жиҳатдан ўзини ўнглаб олиш учун тезкор ҳаракатларни амалга ошириш техникасидир, -дейди. Ўзбекистонлик олимлар ҳам ушбу масалага эътибор қаратган ҳолда “Геоиқтисодиёт – жаҳон миқёсида турли қитъа, минтақа ва давлатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви негизида шаклланаётган ягона иқтисодий тизим, иқтисодий макон”[4] (Кочетов Э.Г. Геоэкономика (Освоение мирового экономического пространства): -М.: Издательство БЕК,1999.-12 бет.), -деган таъриф берадилар. Юқоридаги таърифларнинг барчасида геоиқтисодиётнинг иқтисодий томонларга алоҳида урғу берилган, геоиқтисодиётда асосий ҳаракатлантирувчи кучлари эса назардан четроқда қолиб кетган.

“Геоиқтисодиёт” тушунчасига илмий жиҳатдан таъриф бериш учун энг аввало, унинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва бугунги кунда жаҳонда юз бераётган геоиқтисодий жараёнларнинг фалсафий мантиғини англаб етиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча геоиқтисодиётнинг пайдо бўлиш сабаблари қуйидагилардан иборат.

1. XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб социалистик ишлаб чиқаришга асосланган социалистик бозор, капиталистик ишлаб чиқаришга асосланган капиталистик бозор деган иқтисодий маконлар барҳам топиб, унинг ўрнига эркин иқтисодий жараёнлар ҳаракатини ўзида ифодаловчи геоиқтисодиёт ва унга асосланган янги геоиқтисодий маконлар пайдо бўлди.

2. Илм-фан, техника ривожининг шиддатли тус олиши, ахборот технологиялари оқимининг тезлашуви, дунёда яшаётган халқлар ва давлатлараро ўзаро боғланишнинг кучайиши, халқаро алоқа тармоқларининг кундан кунга кенгайиши натижасида давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг чегара билмас даражада ривож топиб бориши эски иқтисодий маконлар ўрнига

янги оптимал локаллашган геоиқтисодий маконларнинг вужудга келишига олиб келди.

Шундай қилиб, эски географик тасаввурлар ўрнини янгича географик англаш маҳсули бўлган геоиқтисодий тафаккур эгаллай бошлади. Геоиқтисодий тафаккурнинг шаклланиб бориши эса унинг моҳиятини, мазмунини очиб берувчи янги геомолия, геоинформация, геотехнология каби тушунчаларнинг ҳам пайдо бўлишига олиб келди.

3. Мустақил давлатларнинг ўз иқтисодиётини эркинлаштириши ҳамда уни ўзга давлатларнинг иқтисодиёти билан интеграциялаштиришга киришишлари борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам янгича локаль геоиқтисодий ўчоқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Натижада, жаҳон иқтисодиёти миллий иқтисодиёт билан қайта қўшилиб, янги дунёвий ва ҳудудий (региональ) геоиқтисодиётнинг вужудга келишини таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қила бошлади.

4. XX аср охири XXI аср бошларида жаҳонда юз бераётган иқтисодий жараёнларнинг тақдирини (ўсиши ёки инқирозга учрашини) олдинлари бўлганидек, алоҳида тарихий шахслар, сиёсий арбоблар эмас, балки уларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳал қилиш жараёнида иштирок этаётган субъектлар “гаммаси” (сиёсий арбоблар, давлат ташкилотлари, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлари, ҳар хил компаниялар, катта ва кичик мулкдорларнинг ҳар хил уюшма ва бирлашмалари) ҳал қила бошлади[5] (Убайдуллаев И. Геоиқтисодий тафаккур: генезиси ва ривожланиш босқичлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил) Монография. Наманган, 2019. 58-бет).

Халқаро иқтисодий муносабатларда чегараларнинг очилиши ва давлат назорати воситаларининг сусайтирилиши; катта компаниялар ва иқтисодий секторларга қизиқишнинг кучайиши ва уларнинг халқаро иқтисодий алоқалар тизимидаги ўрни тобора ортиб бораётганлиги; жаҳон бозори, хусусан молия бозорида алоҳида гуруҳлар ёки алоҳида шахслар спекулятив хатти-ҳаракатларининг қарор топиши каби тенденциялар юзага келмоқда. Ушбу тенденцияларнинг биргаликдаги ўзаро ҳаракатлари туфайли, қандайдир бебош иқтисодиёт оламининг пайдо бўлганлигини, яъни унда рухсат ва таъқиқ, қонуний ва ноқонуний ҳаракатлар ўртасидаги чегараларнинг тез ўзгариши, баъзида эса ушбу чегараларнинг йўқ бўлиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ана шундай бебош иқтисодий оламда мавжуд бўлган бозорларнинг аҳволини ҳар томонлама ўрганиш, уларда амал қилувчи механизмлар фаолиятини таҳлил қилиш асосида мамлакатдаги иқтисодий барқарорликни издан чиқаришга урунишларнинг олдини олиш, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш, тадбиркорларнинг халқаро

иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги замонавий иш юритиш шакли сифатида геоиқтисодиёт пайдо бўлди. Дунёдаги иқтисодий ўзгаришларга нисбатан янгича геоиқтисодий тафаккур шакллана бошлади.

Шундай қилиб, геоиқтисодиёт XXI аср бўсағасига келиб мавжуд иқтисодиёт оламини фалсафий жиҳатдан янгича англашнинг бир калитига айланди.

НАТИЖАЛАР

Фалсафа илмидан маълумки ҳар қандай жараёнларнинг ўз атрибутлари мавжуд бўлади. Шунингдек, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган геоиқтисодий жараёнлар ҳам ўз атрибутларига эгадир. Бизнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилимизча геоиқтисодиётни ташкил қилувчи атрибутларга қуйидагилар киради:

1. Маълумки, ҳар қандай бозор иқтисодиётида асосий муомала объекти бўлиб товар ва унинг миқдорий ҳамда сифатий кўрсатгичлари хизмат қилади. Демак, геоиқтисодиётнинг ҳам биринчи атрибутини унинг муомала объекти ҳисобланмиш - товар ва унинг миқдори ҳамда сифати ташкил қилади. Товар ва халқаро товар муомаласисиз геоиқтисодий макон мавжуд бўла олмайди. Геоиқтисодиётнинг атрибутини ташкил қилувчи товарларни бир босқич ёки ҳолатдан иккинчи босқич ёки ҳолатга ўтишдаги изчиллигига қараб **алоҳида-ягона товар** (алоҳида ишланган нарса, буюмлар ёки алоҳида хом ашё компонентлар, полуфабрикатлар), **гуруҳларга ажратилган товар** (одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилган товарлар ассортименти, яъни бир-биридан ўзининг бир ёки бир нечта белгилари билан фарқ қилувчи товарлар гуруҳи. Масалан, сотиш учун ишлаб чиқарилган эркаклар кўйлаги. Улар ўзларининг ранги, чидамлилиги, матосининг таркиби билан бир-биридан фарқ қилади.), **объект (корхона) – товар** (бирон бир мамлакатнинг ривожи учун товар шаклида қуриб бериладиган объект-корхона. Масалан, автомобиль заводи, тўқимачилик комбинати, саёҳлар учун қурилган меҳмонхоналар ва бошқалар), **дастур-товар** (мамлакатнинг у ёки бу соҳасини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳа-дастурлар. Масалан, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, энергетика таъминотини яхшилаш, алоқа тизимини янгилаш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар) ларга ажратиш мумкин.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий муомала субъекти бўлиб товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг эгалари майдонга чиқади. Демак, геоиқтисодиётнинг иккинчи муҳим атрибутини муомала субъекти ҳисобланмиш товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг эгалари ташкил қилади.

3. Бозор иқтисодиётининг муҳим атрибутларидан яна бирини “бозор” ташкил қилади. Бозор - бу фақат савдо-сотиқдан иборат фаолиятдир, яъни сотувчилар билан харидорларнинг олди-сотти қилиш орқали юз берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларидир. Бозорларни товарлар турига қараб асосан истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслар, иш кучи ёки меҳнат, молия, интелектуал товарлар, қурол-аслаҳалар бозорларига ажратиш мумкин. Булардан ташқари бозорлар қамровлилик доирасига кўра маҳаллий, ҳудудий, миллий ва жаҳон бозорларига бўлинадилар.

4. Бозор иқтисодиётидан кўзланган мақсад бу асосан фойда, даромад олишдир. Фойдасиз нарсалардан воз кечиш бозор иқтисодиётига хос бўлган хусусиятдир. Демак, кўриладиган фойданинг, олинадиган даромаднинг мазмуни ва характери геоиқтисодиётнинг ажралмас атрибутидир.

Геоиқтисодиётнинг ажралмас атрибутларидан бўлган бозор ҳам ҳар бир давлат ва регионларнинг географик жойлашуви, иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, интеграциялашиб бориш жараёнларига қараб геоиқтисодий жиҳатдан учта - микро, мезо, макро даражадаги бозор мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Геоиқтисодиётдан кўзланган мақсад инсон илмий салоҳияти ҳосиласи бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва уларни микро, мезо, макродаражадаги бозорларда сотиш орқали фойда кўриш, яъни даромад олишдан иборатдир. Товарларни сотиш орқали фойда кўришнинг мотив ва табиатини таҳлил қиладиган бўлсак, унда товарларни импорт ва экспорт қилишдан фойда топишнинг ўзаро диалектик бирликда амал қилишининг гувоҳи бўламиз.

Экспорт ва импорт диалектикаси объект-товар, дастур-товарларни ишлаб чиқарувчиларда бирмунча мураккаброқ кечади, яъни импортдан олинган дастгоҳлар ва бошқа асбоб-ускуналарни ўрнатиб, уларни ишга тушургунча анча вақт ўтади, бу эса мазкур товарнинг маънавий жиҳатдан эскириб қолишига олиб келади. Маънавий жиҳатдан эскириб бораётган товарларни эса экспорт қилиб бўлмайди. Юзага келган ушбу диалектик зиддиятни биринчидан, импортдан келган қурилма ва технологияларни миллий иқтисодиёт технологиялари билан мослаштириш, иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг келгусидаги истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш асосда товарлар ассортиментини кўпайтириш орқали фойда олишга ҳаракат қилиш билан ҳал қилишга уринилади. Демак, фойда кўриш, даромад олишнинг тактик усули бўлган қисқа муддатли – вариацион (ассортиментли) устама фойда олиш ҳамда стратегик усули бўлган узоқ муддатли - ижроси узоқ давом этадиган ҳар хил объект-товар, дастур-товарларни сотиш орқали фойда олиш геоқтисодиётнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида ўзини ҳар томонлама намоён қилмоқда.

Ҳозирги шароитда жаҳонда юз бераётган товарлар оқимига фалсафий кўз билан назар ташласак, товарлар муомаласи жараёнининг “кўп қатламли, кўп қаватли” эканлигини кўрамиз. Булар ичида пастки қатлам-қаватдан ўрин олган конъюнктурали, юқори қатлам-қаватидан ўрин олган – стратегик товарлар оқими алоҳида ажралиб туради.

Конъюктурали қатлам-қаватдаги товарлар оқимида миллий давлатларнинг монопол ёки монопол бўлмаган иқтисодий сектор вакиллари бўлган ўрта ва кичик бизнес фирмалари, стратегик қатлам-қаватдаги товарлар оқимида эса трансмиллий корпорациялар ҳал қилувчи вазифани бажарадилар.

ХУЛОСА

Юқорида баён қилинган фалсафий таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган иқтисодий жараёнлар ўта мураккаб тузилишга эга бўлиб, уларнинг табиати ва моҳиятини фақат геоиқтисодиёт атрибутларига хос бўлган хусусиятларни чуқур фалсафий мушоҳададан ўтказган ҳолда англаб етиш мумкин.

Шундай қилиб, геоиқтисодиёт тушунчаси: биринчидан, жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини фақат иқтисодий атрибутларнинг хусусиятларини билиш орқали тушуниш мумкинлигини ўзида ифодаловчи концептуал қарашларни; иккинчидан, жаҳондаги иқтисодий жараёнлар ривож топиб жойлашадиган глобал иқтисодий маконларнинг шакл-шамойилини белгилаб берувчи иқтисодий атрибут ва иқтисодий муносабатлар тизимини миллий чегаралардан четга чиқаришни; учинчидан, миллий иқтисодиёт ва давлат институтларининг, миллий ва миллийликдан юқори бўлган иқтисодиёт ва давлат структураларининг (қурилмаларининг) ўзаро чатишиб кетганлиги туфайли бир-бирларига фойда ёки зарар етказиши мумкинлиги жараёнларини; тўртинчидан, давлат сиёсатининг иқтисодий омилларга боғлиқлиги ҳақидаги сиёсий қарашлар тизими (концепцияси) ни; бешинчидан, дунёнинг иқтисодий манзарасини ўзида акс эттирувчи ва унинг келгусидаги шакл-шамойилини белгилаб берувчи, иқтисодий жараёнларга ақлий руҳ берувчи геоиқтисодий тафаккур тарзини ҳам ўз ичига олади.

Россиялик иқтисодчи олим Э.Г. Кочетовнинг фикрича: “Геоиқтисодиёт бир-бири билан чамбарчас бўлган қуйидаги учта қисмдан: 1) жаҳон хўжалик тизимидан: ички иқтисодий “регламент” дан; 2) ташқи иқтисодий макромодель: миллий иқтисод тизимининг ташқи соҳа билан алоқасидан; 3) миллий

доктриналарни амалга оширишнинг стратегик арсеналидан ташкил топади", - дейди.

Шундай қилиб юқорида келтирилган ижтимоий-иқтисодий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда геоиқтисодиёт тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Геоиқтисодиёт - бу турли хил қитъа, минтақа ва давлатлардаги катта ва кичик товар ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ фойда - даромад олишлари мақсадида жаҳон иқтисодиёти тизимининг микро, мезо, макродаражалардаги бозорлари орқали ўзаро интеграциялашуви натижасида янгидан вужудга келган иқтисодий макондир, ижтимоий борлиқнинг бир шаклидир.

Зеро, шундай экан, геоиқтисодиёт ижтимоий борлиқнинг янги бир шакли сифатида уни ўзида акс эттирувчи ижтимоий онг шакли ҳисобланмиш иқтисодий онгнинг бир кўриниши бўлган геоиқтисодий тафаккур тарзига ҳам эгадир.

REFERENCES

1. Жан К. Геоэкономика (господство экономического пространства) / К. Жан, П. Савона; Пер. с Итал. – М., 1997. – 207 с.
2. Кочетов Э. Г. Геоэкономика (Освоение мирового экономического пространства). – М.: БЕК, 2002. – 480 с.
3. Убайдуллаев И. Геоиқтисодий тафаккур: генезиси ва ривожланиш босқичлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил) Монография. Наманган, 2019. 58-бет
Вебсайт.
4. http://bookboon.com/en/geoeconomics-ebook. Solberg Søilen, Klaus (2012). Geoeconomics. Bookboon, London.
5. Геополитика и геоэкономика. www. geopolitical.ru